

# مختصر العقيدة الإسلامية

من الكتاب والسنّة الصّحيحة

إعداد

محمد بن جعيل زينو

الرسّان في دار الحديث الفريدة بقلعة المكرمة

باللغة الأوزبكيّة

المترجم :

أبو سمّيّة قدرة الله بن غلام جان

أبو دِكْر الله عبد الباري بن عبد الواسع

Religion of Islam  
<http://www.religionofislam.com>

Куръон ва сахих суннатга биноан

## ИСЛОМ АҚИДАСИ

муаллиф:

Мұхаммад ибни Жамил Зайну

таржимонлар:

Абу Сумайя Қудратулло Фуломжон ўғли

ва

Абу Зикрийло Абдулборий Абдулвосеъ ўғли

*«Албатта (барча) масжидлар Аллоҳни кидир. Бас, (масжидларда) Аллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо-шитиқсо қылманглар» «Жин» сураси, 18-оят.*

# **Куръон ва сахих суннатга биноан**

## **Ислом Ақидаси**

*Ўзбек тилида*

муаллиф:  
Муҳаммад ибни Жамил Зайну

таржимонлар:  
Абу Сумайя Қудратулло Ғуломжон ўғли  
ва  
Абу Зикрилло Абдулборий Абдулвосеъ ўғли

1419-1999 йил.

Published by:  
**INVITATION TO ISLAM**  
**[ TURKISTAN ]**



**Халқаро Исломга даъват  
маркази  
«Туркистон» бўлими**

# بِسْمِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм*

الْحَمْدُ لِلَّهِ وَحْدَهُ وَالصَّلَاةُ عَلَى مَنْ لَمْ يَنْبَيِ بِمُدْعَةٍ، أَمَّا بَعْدُ:

Ягона Оллоҳнинг Ўзига ҳамду-санолар бўлсин, сўнгти пайғамбар Муҳаммад саллаилюҳу алайҳи ва-салламга дуолар бўлсин. *Аммо баъд:*

Ассалому алайкум аҳли ислом биродарлар. Оллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг изни билан қўлингиздаги ушбу китобни араб тилидан замонавий ўзбек тилига таржима қўлишга мусассар бўлдик. Куръони карим оятларининг таржимасида Алоуддин Мансурнинг ўзбекча изоҳли таржимасидан фойдаландик.

Бу китоб маккалик биродаримиз, устоз Жамил Зайнунинг қаламига мансуб бўлиб, «Ислом ақида-си» деб номлангандир. Китобдаги мавзуларга бирма-бир эргашар эканмиз, мусулмон кишисини Оллоҳга ширк келтириш ва ибодатларини Оллоҳдан ўзгага сарфлаш каби катта хатолардан асраши, ҳамда инсонни қандай амаллар қиласа Парвардирига яқин бўлиши йўлларини ўргатиб, соғлом ақида сари ундашининг гувоҳи бўламиз. Китобга муружаат қиласар эканмиз, мақсадларимиз янада равшан бўлади.

Сўзимизнинг сўнгтида яна бир бор яратган ҳо-  
жамиз Оллоҳ субҳонаху ва таолога ҳамду санолар  
айтамиз. Барчамизни Ўзининг сахиҳ ақидасида со-  
бит қадам қилсин.

Таржимондан.  
Мадинаи Мунаввара шаҳри,  
ҳижрий: 13-17 рамазон, 1416-йил.  
мелодий: 1-5 февраль, 1996-йил.

## СҮЗБОШИ

إِنَّ الْحَمْدَ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ وَنَسْتَفْرِهُ ،  
وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شَرِّ أَنفُسِنَا وَمِنْ سَيِّئَاتِ  
أَعْمَالِنَا ، مَنْ يَهْدِي إِلَيْهِ اللَّهُ فَلَا مُضِلٌّ لَّهُ ،  
وَمَنْ يُضِلْ فَلَا هَادِي لَّهُ . وَأَشْهُدُ  
أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ ،  
وَأَشْهُدُ أَنَّ مُحَمَّداً عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ ، أَمَّا بَعْدُ :

Оллоҳ таолога мақтovлар бўлсинки, ҳамду саноларни у Зотнинг Ўзигагина айтиб, Унинг Ўзидангина мадад тилаймиз ва Унинг Ўзигагина узрлар айтамиз. Ҳамда нафсимизнинг ёмонлиги ва хато ишларимизда Унинг Ўзидан паноҳ истаймиз. Оллоҳ кимники тўғри йўлга йўлласа, ҳаргиз адашмагай, кимники Оллоҳ адаштиrsa, ҳаргиз ҳидоят топмагай ва гувоҳлик бераманки, Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир ва Унинг шеригида йўқдир. Шунингдек Муҳаммад саллаллоҳу алайхи васаллам Оллоҳнинг бир бандаси ва элчисидир. *Аммо баъд:*

Бу китобдаги жавоб берилган саволлар ниҳоятда муҳим бўлиб, Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан олинган далилларга асослангандир. Бу аниқ жавоблар билан албатта ўқувчининг қалби таскин топгай. Чунки тавҳид ақидаси — Оллоҳни ягона деб билиш — инсонни дунё ва охират саодатига эриши-

тирувчи ягона асосдир. Оллоҳдан мусулмонларнинг  
бу китобдан истифода қилишиб, Ўзининг йўлида  
холис этмоғини илтижо қилиб қоламан.

Муаллифдан;  
**Маккаи Мукаррама шаҳри.**

## **ИСЛОМ АСОСЛАРИ**

Савол-1: Жаброил алайҳиссалом: Эй Мұхаммад, менга Ислом ҳақида хабар бергін, деб сүради.

Жавоб-1: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки, *Ислом* беш нарасадан ибораттадыр:

1. *Олиоҳ таолоншыг яғоналиғига* — ибодат ёлғиз Унинг Ўзигагина лойиқлигига ва *Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи васалламның Олиоҳның зічсі* эканлигига гүвөнлик бермогинг.
2. *Намозни тұла-тұқис адө этмогинг.*
3. *Закот шықармогинг* — қачонки бир мусулмон одам 85 грам олттын миқдорида бойлукка эга бўлса, бир йил ўтганидан сўнг закотини беради.
4. *Рұза тутмогинг* — рўза инсонни бомдоддан то шомгача емоқ-ичмоқлик ва жинсий алоқада бўлишдан манъ этади.
5. *Агар қодир бўлсанг ҳаёқ қилмогинг.*

*Имом Муслим ривоятлари.*



## **ИЙМОН АСОСЛАРИ**

Савол-2: Жаброил алайхис-салом: Эй Мұҳаммад, менга Иймон ҳақида хабар бергін, деб сүради.

Жавоб-2: Расулуллох саллаллоху алайхи васаллам айтдиларки, *Иймон* олти нарсадан иборатдир:

1. *Оллоҳ таолога иймон келтиришиң* — У зот барча нарсаларнинг Яратувчиси ва ибодат Унинг Ўзигагина лойикдир, ҳамда Унинг бир қанча исм ва сифатлари бўлиб, бандаларининг сифатларига асло ўхшамас, деб чин қалбдан ишонмоғинг.
2. *Оллоҳ таолонинг фаришталарапига чин қалбдан ишонмоғинг* — улар нурдан яратилган бўлиб, ҳамиша Оллоҳ таолонинг амрини бажарии билан машғулдирлар.
3. *Оллоҳ таолодан тушган китобларга чин қалбдан ишонмоғинг* — бу китоблар: Таврот, Инжил, Забур ва Қуръони Каримдир. Қуръони Карим бошқа китобларга амал қилишни бекор қилган.
4. *Оллоҳ таолонинг пайғамбарларига чин қалбдан ишонмоғинг* — бу пайғамбарларнинг аввали Нуҳ алайхиссалом бўлиб, охири Мұҳаммад саллаллоху алайхи васалламдир.
5. *Киёмат кунига чин қалбдан ишонмоғинг* — бу кун инсондарни ҳисоб-китоб қилинадиган кундир.
6. *Барча яхшилигу ёмонлик шиларни Оллоҳ таолонинг тарафидан деб чин қалбдан ишонмоғинг*

— бу дегани ҳар ишнинг бир сабаби бор, деб қўлдан келганча ҳаракат қилиш ва Оллоҳ таолонинг тақдирига рози бўлишдир.

*Имом Муслим ривоятлари.*



## ОЛЛОХ ТАОЛОНИНГ БАНДАЛАРИДАГИ ҲАҚҚИ

Савол-3: Оллоҳ таоло бизни нима учун яратди?

Жавоб-3: Оллоҳ таоло бизни ёлғиз Ўзига ибодат қилмоғимиз ва Унга ҳеч нарсаны шерик қилмаслигимиз учун яратди. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

وَمَسَاخَةٌ تُبَرِّئُ الْجَنَّةَ وَالْأَدْنَى<sup>۱۰۷</sup>  
إِلَيْهِ لَوْنٌ ﴿٦﴾ سَرَرَاتٍ

маъноси: «Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишилари учунгина яратдим». «Зориёт» сураси, 56-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайхи васаллам айтадилар:

(حَقُّ اللَّهِ عَلَى الْعَبْدِ أَنْ يَعْبُدْهُ  
وَلَا يُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا) مَنْفَعَ عَلَيْهِ

маъноси: «Оллоҳ таолонинг бандаларидағи ҳакки Ўзига ибодат қилиб, ҳеч нарсаны шерик қилмасликладидир». Имом Бухорий ва имом Мұслим ривоятлари.

Савол-4: Ибодат нимадир?

Жавоб-4: Ибодат Оллоҳ таоло яхши күрадиган барча амаллардир. Масалан, дуо, намоз ва Оллоҳ таолога итоат қилишилар. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿ قَلْ إِنَّ صَلَاتِي وَذِكْرِي وَمَحْيَايَ  
وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴾ ﴿ سُورَةُ الْإِنْجَام ﴾

маъноси: «Айтинг (Эй Мұхаммад): Албатта намозим, қурбонликларим, ҳаёту-мамотим бутун оламларнинг Парваридигори бўлмии Оллоҳ учундир». «Анъом» сураси, 162-оят.

Пайғамбаримиз салталлоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«(وَمَا تَقْرَبَ إِلَيَّ عَبْدِي بِشَيْءٍ أَحَبَّ إِلَيَّ  
وَمَا افْتَرَضْتُهُ عَلَيْهِ)» حديث قدسي رواء البخاري

маъноси: «Бандамнинг фарз амалларини бажармоги сўзсиз Мен яхши кўрган нарса орқали яқинлашмогидир» Ҳадиси Кудусий, имом Бухорий ривоятлари.

Савол-5: Оллоҳ таолога қандай ибодат қиласиз?

Жавоб-5: Оллоҳ ва Унинг пайғамбари буорганидек ибодат қиласиз. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿ \* يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا  
الرَّسُولَ وَلَا تُبْطِلُوا أَعْمَالَكُمْ ﴾ ﴿ سُورَةُ عَنْدَ

маъноси: «Эй мўминлар, Оллоҳга штоат этингиз ва пайғамбарга штоат этингиз. Ва (куфр ё мунофиклик йўлига кириши билан қилган) амалларнингизни ботилбекойда қилиб қўйманглар!» «Мұхаммад» сураси, 33-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«مَنْ عَمِلَ عَمَلاً لَّيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رُدٌّ» رواة مسلم  
маъноси: «Кимки биз буюрмаган бир ишин қылса, у иш номақбулдир». Имом Мұслым ривоятлари.

Савол-6: Оллоҳ таолога құрқанимиз ёки Унинг неъматларидан умид қылғанимиздан ибодат қилализми?

Жавоб-6: Ҳа, Ундан құрқиб, умидвор бўлганимиздан ибодат қиласиз. *Далил*: Оллоҳ таоло бандаларига буюради:

﴿ وَإِذْ عَزَّوْهُ خَرْقَأَ وَطَعْمَأَ ﴾ رواة الأعـراف : ٥٦  
маъноси: «У зотга (азобидан) құрқиб, (раҳматидан) умидвор бўлган ҳолингида ибодат қиласиз». «Аъроф» сураси, 56-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

﴿ أَنْسَى اللَّهَ الْجَنَّةَ ، وَأَغْرَى وَذِي دَارِيَةِ مِنَ النَّاسِ ﴾ رواة أبو داود بن محبون  
маъноси: «Оллоҳ таолодан жаннатни сўраб, дўзах азобидан паноҳ тилайман». Имом Абу Довуд ривоятлари.

Савол-7: Эҳсон нимадир?

Жавоб-7: Исломда эҳсон дегани Оллоҳ таолони яқин деб билмокдир. *Далил*: Оллоҳ таоло айтади:

﴿ أَلَّا ذِي رَأْكَحِ يَنْهَى وَمُ

وَقُلْبَكَ فِي السَّجَدَيْنِ ﴿٣﴾ سورة الشَّعْرَاء  
маъноси: «У сизни ўзингиз (намоз учун) тураётган  
сақтингизда ҳам, саҗсда қылғувчилар (намоз ўқув-  
чилар) орасида ҳам кўриб турар». «Шуаро» сураси, 218  
ва 219-оятилар.

Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам ай-  
тадилар:

((الإِحْسَانُ أَنْ تَعْبُدَ اللَّهَ كَمَا كَانَكَ تَرَاهُ ،  
فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ)) رواه مسلم

маъноси: «Эҳсон — Олдоҳ таолони кўриб тургандек  
ибодат қилишингдир. Зоро, сен уни кўрмасанг ҳам, У  
сени кўриб туради». Имом Муслим ривоятлари.

## ТАВХИД ТУРЛАРИ ВА УНИНГ ФОЙДАЛАРИ

Савол-8: Оллоҳ таоло пайғамбарларни нима учун юборган?

Жавоб-8: Оллоҳ уларни Ўз ибодатига даъват қилиш ва Унга ширк келтиришдан қайтариш учун юборган. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿وَقَدْ بَشَّرَنِي كُلَّ أُمَّةٍ رَّسُولًا إِنَّ  
أَغْيَثُوا اللَّهَ وَأَخْتَبُوا الظُّفُورَ﴾ سورة التحريم: ٢٦  
маъноси: «Аниқки, биз ҳар бир умматга: Оллоҳга ибодат қилинглар ва тогут — шайтондан йирок бўлинглар (деган ваҳий билан) бир пайғамбар юборганимиз», «Наҳъл» сураси, 36-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«وَالْأَنْبِيَاءُ إِخْرَوَةٌ ... وَدِينُهُمْ وَاحِدٌ» متفق عليه  
маъноси: «Пайғамбарлар ўзаро биродардирлар ... ва динлари ҳам бирдир». Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари.

Савол-9: «Тавҳидур-рубубийя» нима дегани?

Жавоб-9: Оллоҳ таолони барча ишларида ягона деб билмоқдир. Масалан, Унинг тадбиркорлиги ва яратувчилигига ўхшаш. Чунки, Оллоҳ таолодан ўзга зот бундай коинотларни яратишга қодир эмасдир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿الْحَمْدُ لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴾ سورة الفاتحة

маъноси: «Мактөслар бутун оламлар ҳозиси Оллоҳ учундир». «Фотиха» сураси, 1-оят.

Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((أَنْتَ رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ)) متفق عليه

маъноси: «Сен еру осмонларнинг Парвардигорисан». Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари.

Савол-10: «Тавҳидул-улухийя» нима дегани?

Жавоб-10: Оллоҳ таолони ибодатда ягона деб билишдир. Масалан, дуо қилиш, қурбонлик сўйиш, назр-ниёз, намоз ўқиши, умид қилиш ва ёрдам сўрашга ўхшашиб. Далил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِلَهُكُمْ إِلَهٌ وَاحْدَانٌ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ ﴾ سورة البقرة

маъноси: «Тангрингиз ягона тангридир. У меҳрибон ва раҳмли тангридан ўзга ҳеч қандай тангри йўқдир». «Бақара» сураси, 163-оят.

Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((فَلِيَكُنْ أَوَّلَ مَا تَدْعُوهُمْ إِلَيْنَا

شَهادَةً أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ)) متفق عليه

Вои Рواиғе бухари: ((إِلَى أَنْ يُؤْخُذُوا اللَّهَ))

маъноси: «*Одамларга қиладиган энг аввалги даъватларингиз Оллоҳ таолонинг ягоналигига ва Ундан ўзга илоҳ йўклигига гувоҳлик берини бўлсин*». Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари. Имом Бухорий ривоятларида «*Оллоҳнинг бирлигига*» деган лафзда келади.

Савол-11: Оллоҳ таолонинг исм ва сифатларида-ги ягоналиги қандай?

Жавоб-11: Оллоҳ таоло Қуръони каримда Ўзини қандай сифатлаган бўлса, ёки Расууллоҳ саллааллоҳу алайҳи васаллам саҳиҳ ҳадисларда У Зотни қандай сифатлаган бўлсалар, ушбу сифатларга иймон келтириб, У Зотни ўзимизга ўхшатмаслигимиз ва бу сифатларни инкор қилиб, маъноларини ўзгартирмаслигимиздир. Масалан, Оллоҳ таолонинг арш устидалиги ва дунё осмонига тушиши ва Унинг қўли борлиги каби Оллоҳ таолони баркамол зот эканлигини англатадиган нарсалар. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿سَمِعَ كَثِيرٌ مِّنْ وَهْدَ وَهْدَ  
الْمُبِينُ الْبَصَرَ تَبَيَّنَ﴾  سورة الشَّافِعَ وَرَى

маъноси: «*Бирон нарса У зотга ўхшаши эмасдир. У зот эшиштгувчи ва кўриб тургувчиидир*» «Шуро» сураси, 11-оят.

Пайғамбаримиз саллааллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((يَنْزِلُ اللَّهُ فِي كُلِّ لَيْلَةٍ إِلَى سَمَاءِ الدُّنْيَا)) رواه مسلم  
маъноси: «*Оллоҳ таоло ҳар кечада дунё самосига тушибди*». Имом Муслим ривоятлари.

«Дунё самоси»дан мурод ер устидаги осмондир.  
Бу тушиш Оллоҳ таолонинг Ўз буюклигига хос  
бўлиб, бандалари тасаввур қила олмайдиган дара-  
жададир.

Савол-12: Оллоҳ таоло қаерда?

Жавоб-12: Оллоҳ таоло осмонда, арши аъло ус-  
тидадир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿ الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ أَسْتَوْيٌ ﴾ سورة طٰه  
маъноси: «(У зот) Ўз аришида ўрнашди». «Тоҳо» сураси, 5-оят.

Имом Бухорий айтишларича, «Ўрнашди»дан му-  
род кўтарилиди ва юқори бўлди демакдир.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ай-  
тадилар:

«إِنَّ اللَّهَ كَتَبَ كِتَابًا قَبْلَ أَنْ يَخْلُقَ الْخَلْقَ ...  
فَهُوَ مَكْتُوبٌ عَنْدَهُ فَوْقَ الْعَرْشِ» رواه البخاري  
маъноси: «Оллоҳ таоло жамики нарсаларни яра-  
тишдан шлари бир китобни ёзди... Бу китоб унинг  
олидидарини аълодадир». Имом Бухорий ривоятлари.

Савол-13: Оллоҳ таоло биз билан биргами?

Жавоб-13: Ҳа, Оллоҳ таоло эштиши, кўриши ва  
илми ила биз билан биргадир. *Далил:* Оллоҳ таоло  
айтади:

﴿ قَالَ لَا تَحَافَّ إِذْ مَعَكُمْ  
أَسْتَ مَعَهُ وَأَرَى ﴾ سورة طٰه

маъноси: «(Оллоҳ) айтди: Кўрқманлар, шактубҳасиз Мен сизлар билан биргаман — эшишиб, кўриб турман». «Тоҳ» сураси, 46-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«إِنَّكُمْ تدعونَ سَمِيعاً قَرِيباً وَهُوَ مَعْكُمْ» (Роҳе Муслем маъноси: «Сизлар яқин, эшиштгувчи зотга дуо қиласизлар. У зот Ўз шими орқали сизлар биландир». Имом Муслим ривоятилари).

Савол-14: Тавҳиднинг фойдаси нимададир?

Жавоб-14: Тавҳиднинг фойдаси охират азобидан абадий сақланиш, бу дунёда тӯғри йўл топиш ва гуноҳларни кечирилишига эришишдан иборатдир.

*Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿الَّذِينَ آمَنُوا وَكُمْ يَلْبِسُوا إِيمَانَهُمْ بِظَلَّامٍ أُولَئِنَّا  
لَهُمُ الْأَمْنُ وَهُمْ مُتَّهِّدونَ ﴾ ﴿١﴾ سورة الانعام  
маъноси: «Иймон келитирган, ўз иймонларини зулм (ширк) билан аралаштирган зотлар — ана ўшалар хотиржам бўлгувчиidlарлар ва ўшалар ҳидоят топгувчиidlарлар». «Анъом» сураси, 82-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«حَقُّ الْعِدْلِ أَنْ لَا يُعَذِّبَ  
مَنْ لَا يُشْرِكُ بِهِ شَيْئاً» (Муғанниси Убайдуллоҳ

маъноси: «*Бандаларнинг Аллоҳдаги ҳаклари Олиоҳ таолога ҳеч нарсани ширк килмаганларни азобламаслигидир*». Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари.

\* \* \*

## АМАЛНИНГ ҚАБУЛ БҮЛИШ ШАРТЛАРИ

Савол-15: Амалнинг қабул бўлиш шартлари ни-  
мадир?

Жавоб-15: Оллоҳ таоло ҳузурида амалнинг қа-  
бул бўлиши шартлари учтадир:

1. Оллоҳ таолога иймон келтириб, Уни ягона  
деб билмоқ. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ كَانُوا لَهُمْ  
جَنَّاتُ الْفِرْدَوْسِ نُزُلًا﴾ سورة الكهف

маъноси: «Албатта, иймон келтирган ва яхши  
амаллар қилган зотлар учун фирдавс боғлари  
манзил бўлур». «Каҳф» сураси, 107-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам  
айтадилар:

«قُلْ آمَنْتُ بِإِنْ شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ أَسْأَلَّهُمْ  
رَوَاهُ مَسْلِمٌ» («قُلْ آمَنْتُ بِإِنْ شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ أَسْأَلَّهُمْ  
رَوَاهُ مَسْلِمٌ») رواه مسلم

маъноси: «Оллоҳ таолога иймон келтир ва  
ўзингни ўнглаб!» Имом Муслим ривоятлари.

2. Ихлос. Ихлос — ҳеч кимга сўзламай, риёсиз  
холис Оллоҳ таолога амал килмоқдир. *Далил:*  
Оллоҳ таоло айтади:

﴿فَاعْبُدُ اللَّهَ مُخْلِصًا لَّهُ الدِّينَ ﴾ سورة الزمر

маъноси: «(Эй Мухаммад), бас сиз Оллохга - У зот учун динингизни холис килган холда ибодат кишинг». «Зумар» сураси, 2-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«مَنْ قَسَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُخْلِصًا  
دَخَلَ الْجَنَّةَ» صحбият Рөвад бин Зардугире

маъноси: «Кимки ихлос билан «ю илоҳа ишлаллоҳ» деса, жаннатга киргай». Имом Баззор ривоятлари.

3. Амални пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламга келган бўйруқларга мувофиқ ҳолатда бажариш. Дашил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَائِةً كُلُّ الرَّسُولِ فَخُذُوهُ وَمَا  
كُلُّكُمْ عَنْهُ فَلَا تُهُونُ﴾ سورة الحشر : ٧

маъноси: «Пайғамбар ўзи сизларга келтирган нарсани олинглар, у зот сизларни қайтарган нарсадан қайтинглар». «Ҳашр» сураси, 7-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«مَنْ عَمِلَ عَمَلًا لَّيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَاضٌ» Рөвад Муслим

маъноси: «Кимки биз буюрмаган ишни қилса, у иш номақбулдир». Имом Муслим ривоятлари.

\* \* \*

## КАТТА ШИРК ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Савол-16: Катта ширк нимадир?

Жавоб-16: Катта ширк — ибодат турларидан биронтасини Оллоҳ таолодан ўзгага сарфламоқдир. Масалан, дуо қилиш, курбонлик сўйиш ва шунга ўхшаш ишлардир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿ وَلَا تَدْعُ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُكَ  
وَلَا يَثْرُكَ فِي إِنْ فَمَا تَفْعَلُ إِنَّكَ إِذَا  
مَنَّ الظُّلْمَ لِمَنِ نَسِيَتْ بِهِ وَرَبِّهِ يُؤْزِنُ مَا سَعَى ﴾

маъноси: «Оллоҳни қўйиб, сизга фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсага шинайсо қўйманг! Бас, агар шундай қиссангиз, у ҳолда албатта золимлардан дандирсиз». «Юнус» сураси, 106-оят.

«Золим»дан мурод мушриқдир.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((أَكْبَرُ الْكَبَائِرِ : الإِشْرَاكُ بِإِلَهٍ، وَعَظُوقُ  
الْوَالَّدَيْنِ ، وَشَهادَةُ الْزُّورِ)) رواه مسلم

маъноси: «Катта гуноҳларнинг ҳам каттаси Оллоҳ таолога ширк келишиши, ота-онага оқ бўлиши ва ёлғон гувоҳлик беришидир». Имом Муслим ривоятлари.

Савол-17: Оллоҳ таоло ҳузуридаги энг катта гуноҳ қайсиdir?

Жавоб-17: Оллоҳ таоло ҳузуридаги энг катта гуноҳ катта ширкдир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿يَٰ بْنَىٰ لَا تُشْرِكُوا بِاللّٰهِ مَا لَمْ يَكُنْ  
وَرَبُّكُمْ عَظِيمٌ﴾

маъноси: «Эсланг, Луқмон ўғлига панд-насихат килар экан, деган эди: Эй ўғилчам, Оллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк келтириши катта зулмидир». «Луқмон» сураси, 13-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан, гуноҳларнинг энг каттаси қайси, деб сўралганда айтдилар:

﴿أَنْ تَجْعَلَ اللّٰهُ نَدًّا وَهُوَ خَلَقَكُمْ مُنْتَهٰى عَلٰيْهِ وَمَا  
ماъноси: «Сен ўзингни яратган Оллоҳ таолони ширги бор деб билшишингдир». Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари.

Савол-18: Ширк мусулмонларда учрайдими?

Жавоб-18: Ҳа, мавжуддир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَنْ سَايْمَنْ أَكْثَرُهُمْ بِاللّٰهِ إِلَّا  
وَهُمْ مُشْرِكُونَ﴾

маъноси: «Уларнинг кўплари Оллоҳга фақат мушрик бўлган ҳолларидағина иймон келтирадилар». «Юсуф» сураси, 106-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((لَا تَأْتِيَنَا الْأُنْشَاءُ حَتَّىٰ تَلْحَقُ  
بِهَا إِلَيْنَا مِنْ أُمَّةٍ يَرْكِنُنَّ حَتَّىٰ  
تُغْبَدَ الْأَوْثَانُ)) صحیح رواه البخاری

маъноси: «Умматларидан бир неча қабилалар муршиклар билан қўшилишиб, бутнараст бўлиб кетмагунларича қиёмат қойим бўлмайди». Имом Термизий ривоятлари.

Савол-19: Ўліклар ва ғойиб кимсалардан дуо талаб қилишнинг ҳукми нимадир?

Жавоб-19: Улардан дуо талаб қилиш ширкларнинг энг каттасидандир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿فَلَا تَدْعُ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا أَخْرَقْتُكُنَّ  
مِنَ الْمَدْبُونِ﴾ سورة الشورى

маъноси: «Бас, (эй Мұхаммад), сиз Оллоҳ билан бирга бошқа бирон бир илоҳга шитишко қылманг! Акс ҳолда азоблангувчи кимсалардан бўлиб қолурсиз». «Шуаро» сураси, 113-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((مَنْ مَاتَ وَهُوَ يَذْغُرُ وَمَنْ  
دُونِ اَللَّهِ نَدَأْدَخِلَ النَّارَ)) رواه البخاري

маъноси: «Кимки Оллоҳ таолодан ўзгадан ҳожатими сўраб Оллоҳга ширк келтирган ҳолда ўлса, дўзахга киргай». Имом Бухорий ривоятлари.

Савол-20: Дуо ибодатми?

Жавоб-20: Ҳа, дуо ибодатдир. *Далил*: Оллоҳ таоло айтади:

﴿ وَقَالَ رَبُّكُمْ أَذْغُونِي أَسْتَجِبْ لَكُمْ إِنَّ الَّذِي نَسْتَكْبِرُونَ عَنْهُ أَدَمَ سَيِّدُ الْخَلْقَنَ جَهَنَّمَ دَأْخِرِنَ ﴾ سورә Гафир

маъноси: «Парвардигорларингиз: Менга дуо-илтижо қилинглар, Мен сизларга қилган дуоларингизни мустажоб қилурман, деди. Албатта Менга ибодат қилишдан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини эккан ҳолларида жаҳаннамга киурулар». «Фофир» сураси, 60-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((الدُّعَا هُوَ الْعِبَادَةُ)) رواه الترمذی ، وقال: حَسَنَ صَحْبَع

маъноси: «Дуо — ибодатдир». Имом Термизий ривоятлари.

Савол-21: Ўликлар дуони эшигадиларми?

Жавоб-21: Йўқ, эшигмайдилар. *Далил*: Оллоҳ таоло айтади:

﴿ وَمَا أَنْتَ بِمُسْتَعِنٍ مَّنْ فِي الْقُبُورِ ﴾ سورә Фатир

маъноси: «(Эй Мұхаммад), сиз қабрлардаги кимсаларга (жыны, ўлук дилларга) эшиштира олувчи эмасдирсиз». «Фотир» сураси, 22-оят.

Абдулиоҳ ибни Умар розияллоҳу анҳумо дейди:  
«Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам Бадрдаги мушрикларнинг ўлуклари ташланган қудук устида туриб айтдилар:

((فَلَمْ يَجِدْتُمْ مَا وَعَدَ رَبُّكُمْ حَقًا؟ قَالَ : إِنَّهُمْ أَلَّا يَسْمَعُونَ مَا أُقْرَأُوا ) رواة البخاري  
маъноси: «Раббларинг ваъда берган нарсани ҳақиқатдан ҳам кўргандирсизлар, энді?» Кейин айтдиларки, «Улар шу тонда мен айтган сўзларимни эшишишади».

Қачонки бу ҳадис Оиша розияллоҳу анҳага айтилганда, Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам: *Шу тонда улар мен айтган нарсаларимни ҳақиқатдан ҳам билишади*, дедилар — дедида, «Сиз ўлукларга эшиштира олувчи эмасдирсиз» — оятини ўқиди.

Ҳадисни ривоятчиси Қатода ибн Даома ас-Садусий: «Оллоҳ таоло уларни пайғамбарнинг сўзларини эшитишлари учун тахқирланган, хасрат-надомат чеккан ҳолларида тирилтирди», дейди. *Имом Бухорий ривоятлари*.

#### Ҳадисни фойдалари:

1. Мушрик ўлукларининг эшитишлари вактинчаликдир. *Далил:* Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Улар шу тонда мен айтган сўз-

*ларимни эшишишади», деган гапларидир. Бундан ту-шуниладики, бундан кейин эшишишмайди. Чунки, бу ишдан мурод юкоридаги Қатода айтган гапидир.*

2. Оиша розияллоху анҳонинг Ибни Умар розияллоху анҳума ривоятини инкор қилишидан англанидикি, пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллам: «*эшишишади*», эмас, балки: «*билишади*», дедилар - «*Сиз ўликларга эшиштира олгувчи эмасдирсиз*» оягини далил келтирган ҳолда.

3. Куйидаги ҳолатда Оиша билан Ибни Умар розияллоху анҳумларнинг ривоятларини мувофиклаштириш мумкин:

Аслида ўликлар Қуръонда таъкидланганидек, гап эшишишмайди. Лекин, мушрик ўликларининг тирилтирилиб, гап эшишишлари, хадиснинг ривоятчиси Қатода таъкидлаганидек, Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи ва салламнинг мўжизалариданdir, валлоҳу аълам.



## КАТТА ШИРКНИНГ ТУРЛАРИ

Савол-22: Ўлуклар ва ғойиб кимсалардан мадад сўраса бўладими?

Жавоб-22: Йўқ, улардан ёрдам сўралмайди, балки мадад Оллоҳ таолонинг Ўзидангина сўралади.

*Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿ وَالَّذِينَ يَدْعُونَ مِنْ دُنْلَهٖ لَا يَمْلِأُونَ شَيْئًا وَهُمْ بِمُنْخَلَقٍ وَرَبُّهُمْ أَمْرَأٌ وَاتَّغَىْرُ أَحْبَاءٍ وَمَا يَسْعُونَ إِنَّمَا يَتَعَشَّوْنَ ﴾ سورة النحل

маъноси: «(Мушрикларнинг) Оллоҳни қўйиб, шити-эко қиласётган бутлари бирон нарсани яратгувчи эмасдир, балки ўзлари яралгувчиодилар. (Улар) жонсиз ўлуклардир. Ва улар (ўзларича сигинаётган мушрикларнинг) қаочон қайта тирилишиларини ҳам сеза олмайдилар». «Наҳъл» сураси, 21 ва 22-оятлар.

Оллоҳ таоло айтади:

﴿ إِذْ تَسْأَلُ عَنْ رَبِّكَ قُلْ فَإِنَّ رَبَّكَ مَوْلَانِي وَرَبَّ الْأَنْفُسِ لَكُمْ مِنْهُمْ نَصِيرٌ ﴾ سورة الأنفال : ۹

маъноси: «Ўшанда Парвардигорларингиздан мадад тилиаганингизда, У сизларга ижсобат қилди» «Анфол» сураси, 9-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((يَا أَخْيَرُ، يَا قَيْوُمُ، بِرَحْمَتِكَ  
أَنْ تَغْفِلْ)) حَدَّثَنَا رَوَاهُ التَّرمِذِيُّ

маъноси: «Эй, ҳамиша тирик бўлган ва авадий тургувчи зот! Сени раҳматингдан ёрдам сўрайман». Имом Термизий ривоятлари.

Савол-23: Оллоҳ таолодан ўзгадан ёрдам-мадад сўраш мумкинми?

Жавоб-23: Йўқ, мумкин эмасдир. *Далил*: Оллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّا لَهُبَدُ وَإِنَّا لَهُسْتَعِينُ﴾ سورة الفاتحة

маъноси: «Сенгагина ибодат қиласиз ва Сендангина мадад сўраймиз», «Фотиҳа» сураси, 5-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((إِذَا سَأَلْتَ فَاسْأَلْ أَنِّي اللَّهُ، وَإِذَا أَسْتَعْنَتَ

فَاسْتَعْنْ بِاللَّهِ)) رواهُ التَّرمِذِيُّ، وقال : حَسَنٌ صَحِيحٌ  
маъноси: «Агар бирон нарсани сўрасанг, фақат Оллоҳнинг Ўзидангина сўрагин. Агар мадад тиламоқчи бўлсанг Оллоҳдангина мадад тилагин». Имом Термизий ривоятлари.

Савол-24: Тириклардан мадад тиласа бўладими?

Жавоб-24: Ҳа, агар уларнинг кучлари етса ёрдам сўраймиз. *Далил*: Оллоҳ таоло айтади:

﴿ وَتَعَاوَدُوا عَلَى الْبَرِّ وَالْقَوْيِ ﴾ سورة المائدة

маъноси: «Яхшилик ва тақсо йўлида ҳамкорлик қилинглар». «Монда» сураси, 2-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«وَاللَّهُ فِي عَوْنَانِ الْعَبْدُ مَا كَانَ  
الْعَبْدُ ذُفِي عَوْنَانِ أَخْيَرٍ» رواه مسلم

маъноси: «Агар банда биродарининг ёрдамида бўлса,  
Оллоҳ таоло ҳам бу бандасининг ёрдамидадир». Имом Муслім ривоятлари.

Савол-25: Оллоҳ таолодан ўзгага назр-ниёз қиласа бўладими?

Жавоб-25: Оллоҳдан бошқага назр-ниёз қиласа бўлмайди. Далил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿ رَبِّ إِنِّي نَذَرْتُ لِكَمَا فِي  
بَطْنِي مُحَرَّرًا ﴾ سورة آل عمران

маъноси: «(Эй Мұхаммад), Имроннинг хотини:  
Парвардигорим, мен қорнимдаги нарсани (ҳомилани,  
дунё ишларидан) озод этиб, Сенга назр қилдим, деганини эсланг». «Оли Имрон» сураси, 35-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«مَنْ نَذَرَ أَنْ يُطْبَقَ اللَّهُ فَلَيُطْبَقْ ، وَمَنْ  
نَذَرَ أَنْ يَغْصِبَ فَلَا يَغْصِبُ» رواه البخاري

маъноси: «Кимки Оллоҳ таолонинг тоатини қила-  
ман деб назр-ниёз қиши қиласверсин, Энди кимки Ол-  
лоҳга гуноҳкор бўладиган назр-ниёз қиласман деса, ас-  
ло қила қўрмасин». Имом Бухорий ривоятлари.

Савол-26: Оллоҳ таолодан ўзгага қурбонлик қи-  
лиш мумкинми?

Жавоб-26: Йўқ, мумкин эмасдир. *Далил:* Оллоҳ  
таоло айтади:

﴿فَصَلِّ لِرَبِّكَ وَلَا حَنْزَ﴾ سورة الكوثر

маъноси: «Бас, сиз Парвардигорингиз учун намоз  
ўқинг ва (жонлик) сўйиб қурбонлик қилинг!». «Кав-  
сар» сураси, 2-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ай-  
тадилар:

﴿لَعْنَ اللَّهِ مَنْ ذَبَحَ لَغَنِيرَ اللَّهِ﴾ رواية مسلم

маъноси: «Оллоҳдан ўзгага атаб қурбонлик қиласди-  
ган кишига Оллоҳнинг лаънати бўлсин!». Имом Муслим  
ривоятлари.

Савол-27: Оллоҳ таолога яқинлашиш мақсадида  
қабрлар атрофида айланиш мумкинми?

Жавоб-27: Йўқ, мумкин эмас. Фақат Каъбаниги-  
на атрофида айланса бўлади. *Далил:* Оллоҳ таоло  
айтади:

﴿وَلَيَطُوفُوا بِالْأَيْمَنِ﴾ سورة الحج

маъноси: «Ва эски уй (Каъба)ни тавоф қиласинлар».  
«Хаж» сураси, 29-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам ай-  
тадилар:

«مَنْ طَافَ بِالنَّيْتِ سَبَعاً، وَصَلَّى  
رَكْعَيْنِ كَانَ كَعْثِقِ رَقْبَةٍ» رواه ابن ماجة  
маъноси: «Кимки етти марта Каъбани айланаб,  
ишки ракаат намоз ўқиса, бир қулини озод қилган миқ-  
дорда савоб олгай». Имом Ибн Мөжга ривоятари.

Савол-28: Сеҳрнинг ҳукми нима?

Жавоб-28: Сеҳр — куфрдир. *Далил*: Оллоҳ таоло  
айтади:

﴿وَكَنِّ الْشَّيْءُ طِينٌ كَمَا رُوِيَ عَلَمَ مَنْ  
النَّاسُ اسْتَهْجَرُ﴾ سورة البقرة: ۱۰۲  
маъноси: «Балки одамларга сеҳр ўргатадиган шай-  
тонлар коғир эдилар». «Бақара» сураси, 102-яят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ ай-  
тадилар:

«اَجْتَنِبُوا السَّمْنَى وَالْمُؤْبَدَاتِ :  
الشَّرْكُ بِاللَّهِ ، وَالسُّمْنَى حُرُّ ...» رواه مسلم  
маъноси: «Еттита ҳалокатга ўлиқтирадиган нар-  
салардан ўзларингни тийинглар! Улар: Оллоҳ таоло-  
га ширк келтирмоқ, сеҳр ...лардир». Имом Муслим ри-  
воятлари.

Савол-29: Фолбинилар билан парихонларга  
ишонса бўладими?

Жавоб-29: Йўқ, уларга ишониш мумкин эмас.  
*Далил*: Оллоҳ таоло айтади:

﴿ قُلْ لَا يَعْلَمُ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ

وَالْأَرْضِ الْغَيْبَ إِلَّا اللَّهُ ﴾ سورة النمل : ٦٥

маъноси: «Айтинг: Осмонлар ва ердаги бирон кимса ғайбни билмас, магар Оллоҳгина (билир)». «Намъ» сураси, 65-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«مَنْ أَتَى عَرَافًاً أَوْ كَاهْنًاً فَصَدَقَهُ بِمَا

يَقُولُ فَقَدْ كَفَرَ بِمَا أَنْزَلَ عَلَى مُحَمَّدٍ» صحбет Рөвә Ахмад

маъноси: «Кимки фолбин ёки парихонишнг олдига келиб, унинг айтган гапларига шионса, Мұхаммадга келган динга коғири бўлибди». Имом Аҳмад ривоятлари.

Савол-30: Бирон одам ғайбни биладими?

Жавоб-30: Йўқ, ғайбни Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди. Даил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿ وَعَنْ دُكْمَةِ سَاطِعِ الْعَيْنِ بِلَا

يَعْلَمُهُ إِلَّا أَنْتَ أَنْتَ ﴾ سورة الانعام : ٥٩

маъноси: «Ғайб очқичлари Унинг хузурида диким, уларни ёғиз ўзигина билур». «Анъом» сураси, 59-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«لَا يَعْلَمُ الْغَيْبَ إِلَّا اللَّهُ» حسن رواه الطبراني

маъноси: «Ғайбни Оллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди». Имом Табароний ривоятлари.

**Савол-31:** Исломга зид бўлган қонунларга амал қилишнинг ҳукми қандай?

**Жавоб-31:** Исломга зид бўлган қонунларга амал қилиш, агар уни бўлаверади ёки тўғри деб эътиқод қилса куфрдир. **Далил:** Оллоҳ таоло айтади:

﴿ وَمَنْ تَرْمِمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ  
فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ ﴾ Суре манади  
маъноси: «Кимда-ким Оллоҳ нозил қилган дин билан  
ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирдирлар». «Моида»  
сураси, 44-оят.

Пайгамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам айтадилар:

«وَمَا لَمْ تَحْكُمْ أُمَّةٌ مِّنْ بِكْتَابِ اللَّهِ  
وَيَتَخَلَّ يَرُوا مَمَّا أَنْزَلَ اللَّهُ، إِلَّا جَعَلَ  
اللَّهُ بِأَسْهَمِهِمْ بَيْنَهُمْ» Хасан Рави Абен Мажна и ғарбий  
маъноси: «Бошлиqlарингиз Оллоҳдан келган нарсаларга кўнгиллари тусаганича «а ўз билармонлик билан амал қилишиб, Оллоҳнинг Қуръони или ҳукм чиқармас эканлар, Оллоҳ уларниг ўрталарида мусибат ҳосил қилиб қўйгай». Имом Ибн Можа ривоятлари.

**Савол-32:** Оллоҳ таолони ким яратган?

**Жавоб-32:** Агар шайтон биронтангизни ушбу савол билан вассаса қилса, «Аузу биллаҳи минаш шайтонир роҳийи», деб Оллоҳ таолодан паноҳ сўрасин! **Далил:** Оллоҳ таоло айтади:

﴿ وَمَا يَنْرَغِبُكَ مِنَ السَّيْطَنِ فَإِذَا عَزَّ فَاسْتَعِذْ  
بِاللَّهِ إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴾ سورة فصلات

маъноси: «Агар сизни шайтон томонидан бирон *вас-васа* йўлдан оздириб (мазкур ҳислат эгаси бўлишдан қайтармоқчи бўлса), у ҳолда Оллоҳдан паноҳ сўранг. Зоро, У эшигувчи *ва* билгувчи зотдир». «Фуссилат» сураси, 36-оят.

Шунингдек, биз пайғамбаримиз салталлоҳу алайҳи васалтам ўргатгандаридек ўзимизни шайтоннинг ҳийласидан асрایмиз ва:

«أَمْنَتُ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ، اللَّهُ أَحَدٌ، اللَّهُ الصَّمَدُ،  
لَمْ يَلِدْ، وَلَمْ يُوَلَّدْ، وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُواً أَحَدٌ.  
ثُمَّ لَيَتَقْرَبَنَّ عَنِ يَسَارِهِ ثَلَاثَةٌ، وَلَيَسْتَعْذِذُ مِنَ  
الشَّيْطَانِ، وَلَيَتَشَوَّءُ، فَإِنَّ ذَلِكَ يَذْهَبُ عَنْهُ»

هذه خلاصة الأحاديث الواردة في البخاري ومسلم وأحمد وأبي داود  
яъни, «Оманту биллаҳи *ва* руслар, Аллоҳу аҳад, Аллоҳус сомад, лам ялид валид валим юлад валим якун лаҳу куфуван аҳад», деймиз. Сўнгра чап томонга уч жарта тупуриб, шайтоннинг *васвасасидан* паноҳ сўраб, бирорсга оғиз очмаймиз.

маъноси: «Оллоҳ таолога *ва* пайғамбарларига иймон келтирдим. Оллоҳ таоло ягонадир. Оллоҳ ҳеч кимга муҳтож эмасдир. У тумаган *ва* тумагандир.

**Хеч ким У Зотга тенг эмасдир».** Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари.

Яна шу нарсани айтишимиз шартки: Оллоҳ таоло яратгувчидир, яратылган эмасдир. У Зот ягона-дир. Үндән илгари ҳеч нарса бўлган эмас. **Далил:** Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллаҳ айтадилар:

((اللَّهُمَّ أَنْتَ الْأَوَّلُ فَلَا شَيْءٌ يَقْبَلُكَ)) رواة مسلم  
маъноси: «Парвардигоро, Ўзинг аввалидирсан. Сендан шигари ҳеч нарса бўлмаган». Имом Муслим ривоятлари

Савол-33: Исломдан олдин мушрикларнинг ақидаси қандай бўлган?

Жавоб-33: Улар Оллоҳ таолога яқин бўлиш максадида ва шафоат талаб қилиб, авлиёлардан ҳожатларини сўрашар эди. **Далил:** Оллоҳ таоло айтади:

﴿ وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ أُولَئِكَ مَا تَبَرَّثُمْ  
إِلَّاٰٰئِنْ قَرِبُوكُمْ إِلَى اللَّهِ رَبِّكُمْ ﴾ سورة الزمر : ۲  
маъноси: «У Зотдан ўзга дўстларни («худо») қилиб олган кимсалар: Биз (ўша худоларимзга) факат улар бизни Оллоҳга яқин қишишлари учунгина ибодат қилурмиз, дерлар». «Зумар» сураси, 3-оят.

Оллоҳ таоло айтади:

﴿ وَيَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يُصْرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَهُوَ لَهُمْ بَؤْلَاءُ  
شَفَاعًا وَدَاعِنَّ دَالِلَاتَ ﴾ سورة йонس : ۱۸  
маъноси: «Улар Оллоҳни қўйиб, ўзларига зиён ҳам, фойда ҳам етказа олмайдиган нарсаларга ибодат қи-

*ладылар өзі: Ана шу нарасалар Оллоҳ таоло ҳузурида бىзларнинг оқловчиларимиз, дейдилар». «Юнус» сураси, 18-оят.*

Хозирги кунда баъзи мусулмонлар юқоридаги ишларни мушрикларга ўхшаб қилмоқдалар.

Савол-34: Оллоҳ таолога ширк келтиришдан қандай қиссак қутуламиз?

Жавоб-34: Куйидаги нарсалардан ўзимизни тий-масак, Оллоҳ таолога ширк келтиришдан қутула олмаймиз.

1. Парвардигоримизга хос бўлган ишларда Уни шериги бор деб билиш. Масалан, Оллоҳ таолодан ўзга ҳам бу оламни бошқариб турувчи зотлар бор деб эътиқод қилишга ўхшаш. *Далил*: Оллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَنْ يُدْكِرُ إِلَهًا مِّنْ فَسَيْقَلُونَ اللَّهَ﴾ سورة یونس : ۲۱

маъноси: «Эй Мұхаммад айтинг: Ким барча ишларни тадбир қилиб турур? Улар албатта Оллоҳ дейдилар». «Юнус» сураси, 31-оят.

2. Ибодатда ширк келтириш. Масалан, пайғамбар ва авлиёлардан ҳожатларини сўраб дуо қилишга ўхшаш. *Далил*: Оллоҳ таоло айтади:

﴿فَلَنِ إِنَّمَا سَأَدْعُ وَرَبِّي نَحْنُ  
وَلَا أُشْرِكُ بِهِ أَحَدًا﴾ سورة یونس

маъноси: «(Эй Мұхаммад, динингиздан қайтишиңгизни талаб қилаётган кофирларга) айтинг: Мен ёлгиз Парвардигоримгагина дуо-и-

*тижо құлурман әз Ү Зотга бирон кимсани шерик қылмасман*», «Жин» сураси, 20-оят.  
Пайғамбарымиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((الدُّعَاءُ هُوَ الْعِبَادَةُ)) رواه الترمذى ، وقال: حسن صحبة  
маъноси: «Дуо ибодатдир». Имом Тирмизий риво-  
ятлари.

3. Оллоҳнинг сифатларида ширк келтириш. Ма-  
салан, пайғамбарлар ва авлиёлар ғайбни би-  
лишади, деганга ўхшаш. *Далил*: Оллоҳ таоло  
айтади:

﴿فَلَمْ يَعْلَمْ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ  
وَالْأَرْضِ إِلَّا لِلَّهُ﴾ سورة النمل : ٦٥

маъноси: «Айтинг: Осмонлар әз ердаги бирон  
кимса ғайбни билмас, магарам Оллоҳгина (би-  
лур)». «Нам» сураси, 65-оят.

4. Оллоҳ таолони бандаларига ўхшатиш. Маса-  
лан, Подшоҳнинг хузурига бировнинг восита-  
сисиз кира олмаганимдек, Оллоҳ таолодан би-  
рон одам воситасидагина ҳожатимни сўрай  
оламан, деганга ўхшаш. Бу иш — яратувчи  
зотни яратилган нарсаларга ўхшатиш —  
ширkdir. *Далил*: Оллоҳ таоло айтади:

﴿يَسْ كَمْلَهُ شَيْءٌ﴾ سورة الشورى : ١١  
маъноси: «Бирон нарса Ү Зотга ўхшаш эмас-  
дир». «Шуро» сураси, 11-оят.

Бу нарсанни Оллоҳ таолонинг қуидаги ояти  
янада қувватлайди:

﴿إِنَّمَا تَرْكَتَ لِيَخْبَطَ فِيْ عَمَلِكَ

وَلَتَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴾٣٦﴾ سورة الزمر

маъноси: «Қасамки: agar мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг бехуда кетур ва зиён қўргувчилардан бўлиб колурсан!» «Зумар» сураси, 65-оят.

Агар инсон тавба қилиб, ширкнинг бу турларидан қутула олса, албатта Оллоҳ таолони бир деб билувчилар сирасидан бўлур.

Эй Парвардигоро, бизни ўзингни бир деб билувчилар каторидан қилгин мушриклардан қилиб кўймагин!

Савол-35: Катта ширкнинг қандай зиёни бор?

Жавоб-35: Катта ширк инсонни дўзахда абадий қолишига сабаб бўлади. *Далил*: Оллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّمَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ مَنْ حَرَمَ اللَّهَ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ وَمَأْوَاهُ النَّارُ وَمَا

لِلظَّالِمِينَ مِنَ الْأَصْنَارِ ﴾٣٧﴾ سورة المائدә

маъноси: «Албатта кимда-ким Оллоҳга ширк келтираса, Оллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Зулм қилгувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас». «Моида» сураси, 72-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам айтадилар:

«مَنْ لَقِيَ اللَّهَ يُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا دَخَلَ النَّارَ» رواه مسلم  
маъноси: «Кимки Оллоҳ таолуга бирон нарсаны ширк келтирганды ҳолда ўлса, жаҳаннамга киради». Имом Мұслым ривоятлари.

Савол-36: Мушрик одамга қылған яхши амалларининг фойдаси борми?

Жавоб-36: Йўқ, мушрик одамга қылған яхши амалларининг фойдаси йўқдир. Даил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿ وَ لَوْ أَنَّهُ رُكُونٌ طَعْنَتْهُ مَأْكَادُ وَ اَيْمَانُونَ ﴾ مَوْرَةُ الْاَنْعَامَ  
маъноси: «Агар улар мушрик бўлганларида қылған амаллари беҳуда кетган бўлар эди». «Анъом» сураси, 88-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоху алайҳи васаллам айтадилар:

«أَنَا أَغْنَى الشُّرَكَاءِ عَنِ الشُّرُكِ ،  
مَنْ عَمِلَ عَمَلاً أَشْرَكَ مَوْيَيْ فِيهِ  
غَيْرِي تَرَكَّهُ وَ شَرَكَهُ» حدیث قدسی رواه مسلم  
маъноси: «Мен шерикдан беҳожатман! Кимки бир амалини килиб, унда ўзгани Менга шерик қиласа, уни шеригига қолдирман (яъни, қылған амалига Мен сабоб бермайман)». Имом Мұслым ривоятлари.

## КИЧИК ШИРК ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Савол-37: Кичик ширк нимадир?

Жавоб-37: Кичик ширк — риёдир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿فَنَّجَ اَنْبَرْجُ وَالْقَاءَ رَبِّهِ  
فَلَيَقُمْ لَعَمَ لَا صَالِحٌ اَوْ لَا يَشَرِّكُ  
بِعِسَادَةِ رَبِّهِ اَخْدَادًا﴾

маъноси: «Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилисин ва Парвардигорига бандалик килишида бирон кимсанни (Унга) шерик қилмасин!». «Қаҳф» сураси, 110-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«إِنَّ أَخْرَوَ مَا أَخْرَافُ عَلَيْكُمْ  
الشُّرُكُ الْأَصْنَافُ») صحбийн ва Аҳмад

маъноси: «Мени сизлардан энг кўрқадиган нарсам кичик ширк-риёдир». Имом Аҳмад ривоятлари.

Инсоннинг қўйидаги гаплари ҳам кичик ширкдан ҳисобланади:

Агар Оллоҳ ва фалончи бўлмаганда эди, бу муваффақиятта эриша олмас эдим.

Оллоҳ ва сен ҳоҳлаганинг учун бу иш бўлди.

Биринчи мисолда Оллоҳга фалончини шерик қилиб кўйгани учун, иккинчи мисолда эса, Оллоҳнинг ҳоҳиши билангина чекланмасдан яна бирорнинг ҳоҳишини шерик килгани учун бу сўзлар ширк ҳисобланди.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам айтадилар:

«لَا تَقُولُوا : مَا شَاءَ اللَّهُ وَشَاءَ فُلَانٌ ، وَلَكِنْ قُولُوا : مَا

شَاءَ اللَّهُ ثُمَّ شَاءَ فُلَانٌ» صحیح رواہ احمد

маъноси: «Оллоҳ ва фалончи ҳоҳлади, деманглар, балки Оллоҳ сўнгра фалончи ҳоҳлади, деб айтинглар». Ином Аҳмад ривоятлари.

Савол-37: Оллоҳ таолодан бошқанинг номига қасам ичса бўладими?

Жавоб-37: Оллоҳ таолодан ўзганинг номига қасам ичса бўлмайди. Даши: Оллоҳ таоло айтади:

﴿فُلَّى بْلَى وَرَبِّي لَتَبْعَثُنَّ﴾ سورة التغابن: ٧

маъноси: «(Эй Мұхаммад, уларга) айтинг: Йўқ! Парвардигоримга қасамки, албатта қайта тирилурсизлар». «Тағобун» сураси, 7-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи вассаллам айтадилар:

«مَنْ حَلَّ بِغَيْرِ اللَّهِ فَقَدْ أَشْرَكَ» صحیح رواہ احمد

маъноси: «Кимки Оллоҳ таолодан ўзганинг номига қасам ичса, муширик бўлибди». Ином Аҳмад ривоятлари.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«مَنْ كَانَ حَالِفًا فَلَيَخْلُفْ بِاللّٰهِ أَوْ لِيَضْمُنْ» (منْ کانَ حَالِفًا فَلَيَخْلُفْ بِاللّٰهِ أَوْ لِيَضْمُنْ) مенгъиб маъноси: «Кимки қасам ичса, Оллоҳ таолонинг номига қасам иссин ёки сукут сақласин!». Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари.

Пайғамбарлар ва авлиёлар номига қасам ичиш, агар қасам ичувчи одам уларда куч-қувват бор ёки улар менга фойда ё зарар етказа олади, деб эътиқод қиласа катта ширкдир.

Савол-39: Шифо топиш умидида ип ва ҳалқа тақсак бўладими?

Жавоб-39: Йўқ, бу нарсаларни тақмаймиз. Да-лил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِنْ يَمْسَأَ لِكَ اللّٰهَ بِشَرْفَهُ لَا

كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ﴾ سورة الانعام : ۱۷

маъноси: «Агар Оллоҳ сизни (камбагалик, ҳасталик каби) бирон зиён билан ушласа, бас, уни фақат Ўзигина аритувчиидир», «Анъом» сураси, 17-оят.

Ҳузайфа розиялоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у киши бир одамни истимани қайтариш ниятида қўлига ип боғлаб олганини кўрганида ипини узуб ташлади ва Оллоҳ таолонинг қуйидаги оятини ўқиди:

﴿وَمَنْ يَأْتِمْ نَأْتِ شَرَفَهُ بِاللّٰهِ إِلَّا

وَمَنْ مُشْرِكُونَ﴾ سورة يوسف

маъноси: «Уларнинг кўплари Оллоҳга фақат мушрик бўлган ҳолларида гина шимон келтирадилар». «Юсуф» сураси, 106-оят.

Савол-40: Кўз тегмасин деб мунчоқ ва садафга ўхшаш нарсаларни тақса бўладими?

Жавоб-40: Йўқ, кўздан сақланиш мақсадида бу нарсаларни тақсак бўлмайди. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿وَإِن يَقْسِطَ لِكَ اللَّهُ بِضَرْبَرْفَلَةٍ  
كَشِفَ لَهُ إِلَهٌ أُفْوٌ﴾ سُورَةُ الْأَنْعَامُ : ۱۷

маъноси: «Агар Оллоҳ сизни (камбагалик, ҳасталик каби) бирон зиён билан ушласа, бас, уни фақат Ўзигина аритгувчиидир». «Анъом» сураси, 17-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«مَنْ عَلِقَ تَمِيمَةً فَقَدْ أَشْرَكَ» صحیخ رواه احمد  
маъноси: «Кимки тумор тақса, Оллоҳга ширк кельтирган бўлибди». Имом Аҳмад ривоятлари.



## ОЛЛОХГА ЯҚИНЛАШИШ ВА ШАФОАТ ТАЛАБ ҚИЛИШ БАЁНИ

Савол-41: Оллоҳ таолога қандай воситалар билан яқинлашамиз?

Жавоб-41: Воситанинг мумкин ва мумкин бўлмаган турлари бор:

1. Оллоҳга восита қилишнинг мумкин тури. Бундан мақсад Оллоҳнинг исм ва сифатлари, яхши амал қилиш ва тирик, солиҳ одамлардан дуо талаб қилиш орқали Оллоҳга яқинлашишдир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿وَلِلَّهِ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَى فَادْعُوهُ بِهَا﴾ سورة الأعراف : ١٨٠  
маъноси: «Оллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Уни ўша исмлар билан чорланг (ёд этинг)». «Аэропф» сураси, 180-оят.

Оллоҳ таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَتَهُمْ وَاللَّهُ  
وَأَبْغُنُوا إِلَيْهِ الْوَسِيلَةُ﴾ سورة المائدة : ٢٥  
маъноси: «Эй мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва унга яқин бўлиш йўлини излангиз». «Моуда» сураси, 35-оят.

Муфассирлардан Ибни Касир Қатода номли олимдан нақл қилиб, ушбу оят хусусида зикр қиласди: Яъни, «Оллоҳга унга итоат қилиш ва У рози бўладиган амаллар билан яқинлашинглар».

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«أَنْتَ اللَّهُ بِكُلِّ أَنْسٍ مُّهَوَّلَكَ  
سَمِّيَتْ بِكَ وَنَفَسَكَ» صحیح رواه احمد  
маъноси: «Ўзингни номлаган барча исмларинг билан сўрайман». Имом Аҳмад ривоятлари.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жаннатда бирга бўлсак, деган биродарига айтган гаплари:

«أَعْنَى عَلَى نَفْسِكَ بِكَثْرَةِ السُّجُودِ» رواه مسلم  
маъноси: «Ўзингга кўп сажда қилиши билан кўмак бергин». Имом Муслим ривоятлари.

Яна бунга мисол, Форга кириб кетиб, форнинг оғзи ёпилиб қолганда Оллоҳ учун қилган яхши амалларини айтишиб, Оллоҳга яқинлашган кишиларнинг қиссасидир. Оллоҳ уларнинг яхши амалларини қабул қилиб, дуоларини ижобат қилди ва фордан эсон-омон чиқишиди.

Яна Оллоҳни, пайғамбарини ва авлиёларини яхши кўриш орқали Оллоҳга яқинлашиш ҳам мумкин. Чунки уларга бўлган муҳаббатимиз яхши, савобли ишлардан ҳисобланади.

2. Оллоҳга восита қилишнинг ман этилган тури. Бу ўликлардан најот тилаб, улардан ҳожатларини сўрашдир. Бу нарса хозирги кунимизда мавжуд бўлиб, у катта ширкдандир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿ وَلَا تَدْعُ مِنْ ذُنُونَ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُكَ  
وَلَا يَضُرُّكَ فَإِنْ فَعَلْتَ فَإِذَا  
مَنَّ الظُّلْمُ لِمَنِ ﴾

— ورة بون —  
маъноси: «Оллоҳни қўйиб, сизга фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсага шитико қўиманлар! Бас, агар шундай қилсангиз, золимларданисиз». «Юнус» сураси, 106-оят.

Аммо пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг обрўлари билан Оллоҳга яқинлашиш эса, яъни, Эй Рabbим, пайғамбаримизнинг обрўлари ҳакқи ҳурмати менга шифо бергин, дейиш каби ишлар эса, ножоиздир. Чунки саҳобалар бу ишини қилишмаган, Умар розияллоҳу анҳу Аббоснинг тирикликларида у кишидан дуо сўраса ҳам, вафот этган пайғамбаримизнинг исмлари билан дуо қилмади. Чунки пайғамбаримизнинг вафотларидан кейин у киши орқали Оллоҳга яқинлик қилиш ширкка олиб бориши мумкин. Шунингдек, инсон Оллоҳ таоло амир, ҳокимлардек бир одамнинг воситаси билан иш юритади, дуо қабул қиласди, деса, Яратувчини бандаларига ўхшатган бўлади.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи айтади: «Оллоҳдан сўраётганда Ундан ўзга бирон нарсани восита қилишни ҳуш кўрмайман, чунки яхши эмас».

Савол-42: Дуони банда воситаси билан қилишга ҳожат борми?

Жавоб-42: Дуони банда воситаси билан қилишга ҳожат йўқдир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿ وَإِذَا سَأَلَكَ عَنْ أَدِيَّ عَنْ أَدِيَّ ﴾

فَإِنِّي قُرْدٌ بِـ﴿سَبَب﴾ وَرَهْبَةٌ لِـ﴿رَهْبَة﴾ : ۱۸۶

маъноси: «Бандаларим сиздан (эй Мұхаммад), Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман». «Бақара» сураси, 186-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

)) إِنْكُمْ تَذْغُونَ سَهِيْعًا قَرِيْبًا وَهُوَ مَعْكُمْ ( رواة مسلم )

маъноси: «Сизлар яқин, эшиштгувчи зотга дуо қиласызлар. У зот Ўз илми орқали сизлар биландир». Имом Муслим ривоятлари.

Савол-43: Тириклардан дуо талаб қилиш мумкини?

Жавоб-43: Ҳа, ўликлардан эмас, тириклардан дуо талаб қилиш мумкіндір. *Далил:* Оллоҳ таоло пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тирикликтарыда хитоб қилиб айтади:

﴿وَاسْتَ تَغْرِيْلَذْبَ لَكَ وَلِلْمُؤْمِنِينَ بِنَ

وَلِلْمُؤْمِنَاتِ ﴾ ۲۷ ﴿سَبَب﴾ رواة مسلم

маъноси: «Бас, (эй Мұхаммад, уларга), Ўз гуноҳингиз учун ҳамда мұмин-мұмина(ларнинг гуноҳлари) учун магфират сұранг!». «Мұхаммад» сураси, 19-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинади:

أَنَّ رَجُلًا خَرَبَ الْبَصَرَ أَتَى النَّبِيَّ فَقَالَ :

أَذْعُ اللَّهَ أَنْ يُعَافِنِي ... حديث صحيح رواه الترمذى

маъноси: «Кўзи оёсиз бир одам пайғамбаримизга келиб, Оллоҳ таолодан менга оғиятини сўраб дуо қилинг, деди». Имом Тирмизий ривоятлари.

Бу ҳадисдан биламизки, тирик, тақводор одамдан дуо талаб қиласа бўларкан.

Савол-44: Пайғамбаримизнинг воситалиги нима дегани?

Жавоб-44: Пайғамбаримизнинг воситалиги бу — унинг даъватидир. *Далил*: Оллоҳ таоло айтади:

﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ إِنَّمَا تَنْهَاكُ عَنِ الْمُحَاجَةِ﴾

إِنَّمَا تَنْهَاكُ عَنِ الْمُحَاجَةِ ﴿٦٧﴾  
маъноси: «Эй пайғамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг!» «Муадда» сураси, 67-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларнинг: Гувоҳлик берамизки, сиз динни бекаму кўст етказдингиз, деган гапларига жавобан шундай дедилар:

﴿اللَّهُمَّ اشْهُدْنَا هُدًى﴾ حَوَابَ

لرسول الصَّحَابَةِ : "شَهَدْنَاكَ قَدْ يَكْفُتْ" رواه مسلم  
маъноси: «Эй Парвардигоро, гувоҳ бўлгин». Имом Муслим ривоятлари.

Савол-45: Пайғамбаримизнинг шафоат қилишларини кимдан сўраймиз?

Жавоб-45: Пайғамбаримизнинг шафоат қилишларини Оллоҳдангина сўраймиз. *Далил*: Оллоҳ таоло айтади:

﴿قُلْ لِلّٰهِ الشَّفَاعَةُ جَمِيعاً﴾ سورة الزمر : ٤٤

маъноси: «Айтинг: барча шафоат-оқлос ёлгиз Оллоҳницидир». «Зумар» сураси, 2-оят.

Пайғамбаримиз саллашоҳу алайҳи васаллам саҳобаларга мана бундай дуо қилишни ўргатардилар:

((اللَّهُمَّ شَفْعُنِي فِي)) رواه الترمذى ، وقال : حسن صحيح  
маъноси: «Эй Парвардигоро, мени пайғамбаримизнинг шафоатларидан баҳраманд этгин». Имом Тиризий ривоятлари.

Пайғамбаримиз саллашоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((إِنِّي خَبَأْتُ دَغْوَتِي شَفَاةَ لِأَمْتَى يَوْمَ الْقِيَامَةِ، فَوَيْسَى نَائِلَةً إِنْ شَاءَ اللَّهُ مَنْ مَاتَ مِنْ أَمْتَى لَا يُشْرِكُ بِاللَّهِ شَيْئاً)) رواه مسلم  
маъноси: «Мен дуюимни умматидан Оллоҳга ширк келтирмасдан ўлганларни Қиёмат Кунида шафоат қилиши учун сақлаб қўйдим». Имом Муслим ривоятлари.

Савол-46: Тириклардан шафоат сўраймизми?

Жавоб-46: Ҳа тириклардан дунё ишларида шафоат сўраймиз. Даил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿مَنْ يَسْتَغْفِرْ شَفَاةً حَسَنَةً يَكُنْ لَهُ نَصِيبٌ مِنْهَا وَمَنْ يَسْتَغْفِرْ شَفَاةً سَيِّئَةً يَكُنْ لَهُ كُنْلٌ مِنْهَا﴾ سورة النساء : ٨٥

маъноси: «*Ким (одамлар орасида) чиройли-ҳақ тараф олиш билан тараф олса, ўзига ҳам унинг савобидан бир улуши тегур. Ким ноҳақ тараф олиш билан тараф олса, ўзи учун унинг гуноҳидан бир улуши тегур*». «*Нисо*» сураси, 85-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((إِنَّمَا فَعَوا تُؤْجِحُونَ رُوَا)) صحیح رواه ابی داود  
маъноси: «*Шафоат қилинглар, савоб оласизлар*».  
Имом Абу Довуд ривоятлари.

Савол-47: Пайғамбаримизни меъёрдан ортиқ мақтамоқ жоизми?

Жавоб-47: Йўқ, пайғамбаримизнинг мақтовларида ошириб-тошириб муболага қилмаймиз. Даил:

Оллоҳ таоло айтади:

﴿قُلْ إِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَنِي إِلَيْيَ  
أَنَّمَا إِلَّاهُكُمْ إِلَّا إِلَهٌ وَاحِدٌ﴾ — ورة الكهف : ١١٠  
маъноси: «(Эй Мұхаммад, уларга) айтинг: Ҳеч шакшубҳа ийқи, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга Тангрингиз ёлғиз Оллоҳнинг ўзи экани «ахъ

эттимоқда». «*Каҳф*» сураси, 110-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((لَا تُطْرُوْنِي كَمَا أَطْرَتَ النُّصَارَى عِيسَى بْنَ مَرْيَمَ ، فَإِنَّمَا  
أَنَا عَبْدُهُ فَقُولُوا : عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ)) رواه البخاري

маъноси: «Христианлар Исо ибн Марямни ошириб мақтаганлари сингари мени ҳам ошириб мақтамангар! Чунки мен бир бандаман, холос. Балки, фақат Оллоҳнинг бандаси ва элчиси, дengлар». Имом Бухорий ривоятлари.

Савол-48: Биринчи яратилган нарса нимадир?

Жавоб-48: Инсонларнинг ичида энг аввал яратилган банда Одам алайҳис-салом бўлиб, нарсаларнинг ичида энг аввал яратилгани қаламдир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿إِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّيٌ خَالقُ بِشَرَامِنْ طِينَ﴾

маъноси: «Эсланг Парвардигорингиз фаришталарга деган эди: Албанта Мен лойдан бир одам яратгувчиидирман». «Сод» сураси, 71-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«كُلُّ مَنْ بَنَ وَآدَمُ، وَآدَمُ خُلُقُّ وَمَنْ تُرَابٌ» رواه البزار ، وصححه الالباني

маъноси: «Сизларнинг барчаларингиз Одамнинг авлодисизлар, Одам бўлса тупроқдан яратилган». Имом Баззор ривоятлари.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«إِنَّ أَوَّلَ مَا خَلَقَ اللَّهُ الْفَأْنَمُ» رواه

ابن داود والترمذی ، و قال : حسن صحیح

маъноси: «*Оллоҳ таоло энг аввал яратган нарса қаламдир (яъни, сув ва аридан кейин қаламни яратди)*». Имом Абу Довуд ва имом Тирмизий ривоятлари.

«Эй Жобир, энг биринчи яратилган нарса пайғамбарингни нуридир», деган ҳадис эса, тўкилган, ёлғон ҳадис бўлиб. Қуръон билан Суннатга ва ақлага тескаридир. Олимлардан Суйутий раҳимаҳуллоҳ айтадиларки, бу ҳадис беисноддир. Фуморий: тўқима, ёлғон ҳадис, деса, Албоний: ботил ҳадисдир, дейди.



## ЖИХОД — ДҮСТЛИК — ХУКМ

Савол-49: Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилишнинг ҳукми қандайдир?

Жавоб-49: Мол, жон ва тил билан имкони қадар жиҳод қилиш вожибдир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿أَفْرُوا خَفَّاً وَلَا يَحِدُّوا بِأَمْوَالِكُمْ

﴿وَأَهْسِكُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ﴾ سورة التوبة : ٤١

маъноси: «(Эй мўминлар), ҳоҳ *енгиз*, ҳоҳ *огир* ҳолингизда (яни, истасангиз, истамасангиз жиҳодга) чиқингиз *ва* молу жонларингиз билан Оллоҳ йўлида курашингиз!». «Тавба» сураси, 41-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«جَاهِدُوا إِلَيْنِي بِأَمْوَالِكُمْ

وَأَنفُسِكُمْ وَالسُّرُورِ تِنْكُمْ» صحбий Рӯҳаб Абӯ Дауд  
маъноси: «Мушрикларга қарши молларинг, жонларинг *ва* тилларинг билан жиҳод қилинглар!». Имом Абу Довуд ривоятлари.

Савол-50: Дўстлик нима дегани?

Жавоб-50: Дўстлик Оллоҳни бир деб таниган мўминларга ёрдам бериб, уларни яхши кўришдир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

**﴿وَالْمُؤْمِنُونَ دَنَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُنَّ مَعْبُودٌ﴾**

﴿أَوَلَيْكُمْ أُولَئِكُمْ ضَرِبَتْ﴾ سورة التوبـة : ٧١

маъноси: «Мўмин ва мўміналар бир-бирларига дўстдирлар». «Тавба» сураси, 71-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((المؤمن للمؤمن كالبنيان يشد بعضه ببعض )) رواه مسلم

маъноси: «Мўмин мўмин учун мисоли бинодек, баъзиси баъзисини сяъб туради». Имом Муслим ривоятлари.

Савол-51: Кофирларга ёрдам бериб, уларни дўст тутиш мумкинми?

Жавоб-51: Йўқ! Кофирларга ёрдам бериб, уларни дўст тутиш мумкин эмасдир. *Даъл*: Оллоҳ таоло айтади:

**﴿وَمَنْ يَتَوَهَّمْ مِنْكُمْ فَإِنَّهُ دَمَاهٌ﴾** سورة المائدة : ٥١

маъноси: «Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ўшалардандир». «Моуда» сураси, 51-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((إِنَّ الَّذِينَ فُلَانٍ لَيَسْوَلُونَ بِأُولَئِكَاءِ)) متفق عليه

маъноси: «Фалончи хонадони менга дўст эмасдирлар». Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари.

Чунки бу хонадон мусулмон бўла туриб, кофирлар билан дўст тутинишар эди.

Савол-52: Оллоҳ таолонинг дўстлари кимдир?

Жавоб-52: Оллоҳ таолонинг дўстлари Оллоҳдан кўрқадиган мўминлардир. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿أَلَا إِنْ أُولَئِكَ إِلَّا خَنْجَرٌ فِي أَعْنَامٍ  
وَلَا هُمْ يَخْزَدُونَ ﴾ الْذِينَ آمَنُوا  
وَكَانُوا يَتَّقُونَ ﴾ ۷۰﴾

маъноси: «Огоҳ бўлингизким, албатта Оллоҳнинг дўстларига охиратда бирон ҳаф-хатар йўқдир ва улар гамгин бўлмайдилар». «Юнус» сураси, 62-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

((إِنَّمَا وَلِيُّ اللَّهُ وَصَالِحُ الْمُؤْمِنِينَ)) متفق علیہ  
маъноси: «Бешак менинг дўстим Оллоҳ ва солиҳ мўминлардир». Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари.

Савол-53: Мусулмонлар нима билан ҳукм қиласдилар?

Жавоб-53: Мусулмонлар Қуръони карим ва саҳиҳ ҳадислар билан ҳукм қиласдилар. *Далил:* Оллоҳ таоло айтади:

﴿وَأَنْ أَخْكُمْ يَكْتُمُ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ﴾ سورة المائدة : ۴۹

маъноси: «(Эй Мұхаммад), улар ўртасида Оллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг!». «Моуда» сураси, 49-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«أَمَّا بَعْدُ : أَيَّهَا النَّاسُ ، فَإِنَّمَا أَنَا بَشَرٌ يُوشِكُ  
أَنْ يَأْتِيَ رَسُولٌ رَّبِيعٌ فَأَجِيبُ ، وَأَنَا تَارِكٌ فِيكُمْ  
ثَقْلَيْنِ : أَوْلَاهُما كِتَابُ اللَّهِ فِيهِ الْهُدَى وَالنُّورُ ،  
فَخَذُوا كِتَابَ اللَّهِ وَاسْتَمْسِكُو بِهِ ») فَحَتَّى عَلَى  
كِتَابِ اللَّهِ وَرَغَبَ فِيهِ ، ثُمَّ قَالَ : ((وَأَهْلُ بَيْتِي )) رَوَاهُ مُسْلِمٌ  
مَالِيْنُوسِيْ: «Аммо баъд: Эй одамлар, огоҳ бўлинглар,  
мен бир (жаннат) хушхабарини етказувчи (пайғам-  
барман), холос. Оллоҳнинг (жонимни олгани юбор-  
ган) элчси яқин орада келиб қолса керак. Мен сиз-  
ларга (сафотимдан кейин) икки буюк нарсани қол-  
диримоқдаман. ». Имом Муслим ривоятлари.

Пайғамбаримиз саллалпоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«تَرَكْتُ فِيكُمْ أَمْرِيْنِ لَنْ تَضُلُّوا  
مَا تَمَسَّكْتُمْ بِهِمَا : كِتَابَ اللَّهِ  
وَسَنَةَ رَسُولِهِ ») رواه مالك ، وصححه الألباني  
мальноси: «Мен сизларга икки нарсани қолдиридим. Бу  
икковини маҳкам тутсангизлар асло адашмайсизлар.  
У икки нарса Қуръон ва ҳадисдири». Имом Молик риво-  
ятлари.



## ҚУРЬОН ВА ҲАДИСГА АМАЛ ҚИЛМОҚ БАЁНИ

Савол-54: Оллоҳ таоло Қуръонни нима учун туширган?

Жавоб-54: Оллоҳ таоло Қуръонни унга амал қилиш учун туширган. Даиліл: Оллоҳ таоло айтади:

﴿أَتَبُعُوا مَا أَنْزَلَ إِلَيْكُمْ مِّنْ رَبِّكُمْ﴾ سورة الأعراف : ٢  
маъноси: «Эй инсонлар, сизләргә Парвардигорингиздан нозил қилинган нарсага (китобга) эргашингиз». «Аъроф» сураси, 3-оят.

Пайғамбарымиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«اقرُّو الْقُرْآنَ واعملُوا بِهِ ،  
ولَا تَأْكُلُوا بِهِ ... ) صحیح رواہ احمد  
ماъноси: «Қуръонни ўқиб, унга амал қилинглар. Уни устидан тамаъ қилиб еманглар». Имом Ахмад ривоятлари.

Савол-55: Саҳиҳ ҳадисга амал қилишнинг ҳукми қандай?

Жавоб-55: Саҳиҳ-түғри ҳадисга амал қилишнинг ҳукми вожибdir. Даиліл: Оллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا أَءَيْتُكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ مَا كُلْمَعْتُمْ لَفَمَأْتُهُوا﴾ سورة الحشر : ٧

маъноси: «*Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарса-ни олинглар. У зот сизларни қайтарган нарсадан қайтишлар!*». «Ҳашр» сураси, 7-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«عَلَيْكَ مَبْسَطَتِي، وَسَنَةُ الْخَلْفَاءِ».

المهديين ، تمسكوا بهما ) صحیح رواه احمد  
маъноси: «*Менинг йўлим ва тўғри йўлда ҳидоят топган халифаларнинг йўларига эрганишб, уни маҳкам тутшишлар*». Имом Аҳмад ривоятлари.

Савол-56: Қуръонга амал қилишликнинг ўзи кифоя қиласдими?

Жавоб-56: Йўқ! Қуръонга амал қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Балки ҳадисга ҳам амал қилмоқ керак. Даилил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿وَأَذْرَنَا إِلَيْكَ الذِّكْرَيْنَ لِلنَّاسِ مَا

رُزِلَ إِلَيْهِمْ وَلَعَلَّهُمْ يَفَكُرُونَ ﴾٦٦﴿ سورة التحليل

маъноси: «*Сизга эса одамларга нозил қилган нарсларни (яъни, шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қиласалар, деб бу эзлатмани - Қуръонни нозил қилди*». «Наҳъ» сураси, 44-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«أَلَا وَإِنِّي أُوتِيتُ الْقُرْآنَ وَمِثْلُهُ مَعَهُ») صحیح رواه ابسو داود

маъноси: «Огоҳ бўлинглар, менга Қуръон билан бирга ҳудди шунга ўхшами (суннат) берилди». Имом Абу Довуд ривоятлари.

Савол-57: Оллоҳ ва пайғамбарини гапларидан бирор гапни илгари қўйиладими?

Жавоб-57: Йўқ! Оллоҳ ва пайғамбарини гапларидан бирор гапни илгари қўймаймиз. Даилил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿بِأَنَّهَا أَنْدِرُ مَا مَأْتَ وَلَا أَقْدَمْتُ وَإِنَّمَا أَنْذَلَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ﴾

Сурәт: ۱ سورәтъат: ۱

маъноси: «Эй мўминлар, сизлар Оллоҳ ва Унинг пайғамбари олдида (яъни, иккисининг изнисиз бирон сўз ёки шига) қадам босманлар». «Ҳужурот» сураси, 1-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу әлайҳи ва саллам айтадилар:

((لا طاعنة لملائكة في معصية الخالق)) متفق عليه

маъноси: «Парвардигорга гуноҳкор бўладиган шиларда бандага штоат қилинмайди». Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари.

Ибни Аббос розияллоҳу анхумо айтади:

قال ابن عباس ﷺ ((أَخْشِيَ أَنْ يَنْزَلَ عَلَيْكُمْ حِجَارَةً مِنَ السَّمَاءِ ! أَقُولُ لَكُمْ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ [ﷺ] ، وَتَقُولُونَ : قَالَ

أَبُو بَكْرٍ وَعُمَرٌ !!! )) رواه احمد ، وصححه احمد شاکر

маъноси: «Сизларни устларингизга осмондан тош ёғилишидан қўрқаман. Мен сизларга Ресулларроҳ сал-

таппою алайҳи ва саллам айтган десам, сизлар Абу Бакр, Умар айтган, дейсизлар-а!!!». Имом Ахмад риво-ати.

Савол-58: Агар диний ишларимизда ихтилоф қи-либ қолсак, нима қиласми?

Жавоб-58: Оллоҳнинг Қуръони билан пайғамба-римизнинг саҳих ҳадисларига мурожаат қиласми. Ҷалил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿فَإِن تَسْأَلُ عَنْ مِنْ فِي شَمَائِيلِ رَبِّكُو  
إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ وَلَمْ يَكُنْ  
قُوْمٌ مُّنْتَهٰيٰ بِاللَّهِ وَالرَّسُولِ إِذَا  
خَيَرٌ وَأَخْسَرٌ تَأْوِيلًا﴾ ورَة النَّسَاء

маъноси: «Бордю бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, агар ҳақиқатан Оллоҳга ва охират кунига ишонсангиз - у нарсанни Оллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройшироқ ечимдир». «Нисо» сураси, 59-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«تَرَكْتُ فِي كُمْ أَمْرِيْنِ لَنْ تَضَلُّوا  
مَا تَمَسَّكْتُمْ بِهِمَا : كِتَابَ اللَّهِ  
وَسَيْنَةَ رَسُولِهِ )) رواه مالك ، وصححه الألباني

маъноси: «Сизларга икки нарсани қолдирадим. Бу ик-ковини маҳкам тутсангизлар асло адашмайсизлар.

*Бу икки нарса Қуръон билан ҳадисдир». Имом Молик ривоятлари.*

Савол-59: Оллоҳ ва пайғамбарини қандай қилиб яхши кўрамиз?

Жавоб-59: Уларга итоат қилиб, буйруқларини бажариш билан яхши кўрамиз. Даил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ مَفَاتِعُنِي يُخْبِتُكُمُ اللَّهُ وَيَغْرِي لَكُمْ ذُوِّيْكُمْ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِرَحْمَةِ رَبِّكُمْ﴾ سурәт آل عمران

маъноси: «Айтинг (эй Мұхаммад): Агар Оллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Оллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қиласди. Оллоҳ (гуноҳларни) мағфират қиласуви, меҳрибондир». «Оли Имрон» сураси, 31-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَالدَّهِ وَوَلَدِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ» متفق عليه  
маъноси: «Сизларнинг бирорталарингиз мени отасидан, боласидан ва жасамийки одамлардан ҳам кўпроқ яхши кўрмагунларича комил мусулмон бўла олмайдилар». Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари.

Савол-60: Тақдирдаги бўлади, деб амал қилишдан тўхтаб қолса бўладими?

Жавоб-60: Йўқ, Оллоҳнинг қадарига суюниб, амал қилишдан тўхтаб қолмаймиз. Даил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿فَأَمَّنَ أَعْطَى وَأَقْسَى وَصَدَى﴾

بِالْخُسْنَى ﴿١﴾ فَسَيِّرْهُ الْيَسْرَى ﴿٢﴾ سورة либа.  
маъноси: «Ана энди ким (ўз мол-давлатидаги камба-  
гал-бечораларга берилши лозим бўлган закот ва  
бошқа садақаларни) ато этса ва (Оллоҳдан) қўрқса,  
ҳамда гўзал оқибатни (яъни, жсаннат бор эканини)  
тасдиқ этса, бас, Биз уни осон йўлга мұяссар қилур-  
миз». «Лайл» сураси, 5-7-оятлар.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам  
айтадилар:

«إِعْمَلُوا فَكُلُّ مَيْسَرٍ لِمَا خُلِقَ لَهُ» متفق عليه  
маъноси: «Ҳаракат қиласеринглар, ким нима учун  
драгилган бўлса, у нарса ўша банда учун осон қилиб  
қўйилгандир». Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам  
айтадилар:

«الْمُؤْمِنُ الْقَوِيُّ خَيْرٌ وَأَحَبُّ إِلَى اللَّهِ  
مِنَ الْمُؤْمِنِ الْضَّعِيفِ، وَفِي كُلِّ خَيْرٍ.  
إِحْرِصْ عَلَى مَا يَنْفُعُكَ وَاسْتَعِنْ بِاللَّهِ، وَلَا تَعْجَزْ،  
فَإِنْ أَصَابَكَ شَيْءٌ، فَلَا تَقْلُ: لَوْ أَنِّي فَعَلْتُ  
كَانَ كَذَا وَكَذَا، وَلَكِنْ قُلْ: قَدَرَ اللَّهُ وَمَا شاءَ فَعَلَ، فَإِنْ لَوْ  
تَفْتَحْ عَمَّا لِلَّهِ يَعْلَمُ (يَطَّافُ بِالشَّيْءِ) رواه مسلم  
маъноси: «Кучли мўмин заиф мўжиндан кўра Оллоҳ-  
га яхшироқ ва севимлироқдир. Ба ҳар иккенида ҳам

хайрлик бор. Оллоҳдангина мадад сүраб, ўзингга фойда берадиган нарсаларда астойдил бўлғин, оқизлик қилиб қолмагин. Агар сенга бирор мусибат етса, бундай қилсан бундай бўларди, деб айтмагин, балики, Оллоҳ тақдир этган экан, Олюҳнинг ҳожлагани бўлади, дегин. Чунки, бундай бўлса бундай бўларди, дейши шайтон вассасасига йўл очиб беради». Имом Муслим ривоятилари.

Ҳадиснинг мазмунини мана бу оят янада равшланаштиради. Оллоҳ таоло айтади:

﴿وَعَسَىٰ أَن تُكَرَّهُ وَأَشْيَاوَهُ وَخَيْرَكُمْ  
وَعَسَىٰ أَن تُحِبُّهُ وَأَشْيَاوَهُ وَشَرَّكُمْ  
وَاللَّهُ يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾ سورة البقرة

маъноси: «(Зотан) сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсанни ёқтирмаслигиниз ва сиз учун ёмон бўлган нарсанни яхши кўришингиз мумкин. Оллоҳ билур, сизлар билмассизлар». «Бақара» сураси, 216-оят.



## СУННАТ ВА БИДЪАТ БАЁНИ

Бидъат бу Ислом динида бўлмаган ишлардир.

Савол-61: Динда яхши бидъат бўладими?

Жавоб-61: Йўқ, динда бидъатнинг яхшиси бўлмайди, чунки барча бидъат бир бидъатдир. Даили:

Оллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّمَا قُلْتَ مَا شِئْتَ  
وَأَنَّهُ لِكُلِّ أُولَئِكَ مُرْسَلٌ مِّنْ رَّبِّهِنَّ  
كُلُّمَا دَعَمْتَ إِلَيْهِ دِينَكَ﴾ سورة المائدة : ٣٩

маъноси: «Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсан, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун Исломни дин қилиб ташладим». «Мошда» сураси, 3-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«إِنَّمَا وُحِدَّاتِ الْأَمْرِ، فَإِنَّ كُلَّ  
مَحَدَّثَةٍ بَدْعَةٌ، وَكُلَّ بَدْعَةٍ ضَلَالٌ، وَكُلَّ  
ضَلَالٌ فِي النَّارِ» صحбигъ Рواҳаттариғи ғирире  
маъноси: «(Диндан ташқарида бўлган) тўқиб шка-  
рилган ишлардан ўзларингизни олиб қочинглар! Чунки

*барча тўқиб чиқарилган шилар бидъат бўлиб, барча бидъатлар залолат-гумроҳликдир ва барча залолатнинг оқибати дўзахдир». Имом Насойи ривоятлари.*

Савол-62: Диндаги бидъат қандай бўлади?

Жавоб-62: Диндаги бидъат бу - ҳар бир шаръий далил келмаган нарсадир. Далил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿أَمْ لَهُمْ شُرٌّ كَمَا شَرَّغُوا لَهُم مِّنَ الدِّينِ مَا لَمْ يَأْذِنُ  
بِهِ اللَّهُ وَلَا كَلَمَةُ الْفُتُولَ قَعْدَتِي سَيِّئَتْهُمْ  
وَإِنَّ الظَّالِمِينَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ﴾ — سورа шурои

маъноси: «Балки улар (*Макка мушриклари*) учун (куфр *ва ширк*) каби Оллоҳ буюрмаган нарсаларни - «дин»ни уларга шариат қилиб берган шериклари - бутлари бордир?! Агар (яхши-ёмон амалияр Қиёмат Кунида) ажратлиши хусусидаги Сўз бўлмаганида, албатта уларнинг ўрталарида (шу дунёдаёқ) ҳукм қилинган бўлур эди». «Шўро» сураси, 21-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«مَنْ أَخْذَدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا  
مَا لَيْسَ وَنَحْنُ فِيهِ وَرَدُّ (مَنْ قَاتَلَنَا هَذَا  
مَا لَيْسَ وَنَحْنُ فِيهِ وَرَدُّ)

маъноси: «Кимки динда биз буюрмаган янгиликни олиб келса, номақбулдир». Имом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари.

Бидъатнинг турлари кўп бўлиб, булар:

1. Коғирликка олиб борадиган бидъат. Масалан, ўлуклар билан ғойибларга дуо қилиб, улардан ёрдам сўрашга ўхшаш.
2. Ҳаром бўлган бидъат. Масалан, дуода ўлукларни Оллоҳга восита қилиш, қабрларга юзланиб намоз ўқиш, ўлуклар номига қурбонлик сўйиш, уларга мақбара қуришга ўхшаш.
3. Макруҳ бўлган бидъат. Масалан, Жума намозидан кейин (эҳтиёт юзасидан) пешин намозини ўқиб қўйиш, аzonдан кейин баланд овоз билан пайғамбаримизга салавот-саломлар айтишига ўхшаш.

Савол-63: Исломда яхши суннат борми?

Жавоб-63: Ҳа, Исломда яхши суннат бордир. Бу нарса динимизда бор бўлиб, садақа беришга ўхшашдир. Далил: Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайхи ва саллам айтадилар:

((مَنْ سَنَّ فِي الْإِسْلَامِ سُنْنَةً حَسَنَةً،  
فَلَهُ أَجْرٌ هُا، وَأَجْرُ مَنْ عَمَلَ بِهَا  
مَنْ بَعْدَهُ دَوَّ، وَمَنْ غَيْرُ أَنْ يَنْتَهِ صَنْ  
وَمَنْ أَجْوَهُ مَشَّيٍّ؛ ... )) رواه مسلم

маъноси: «Кимки Исломда яхши бир иш қиласа, унга ўша шининг савоби ва ундан кейинги ўша шини давом эттирадиганларнинг савобини ҳам уларнинг савобларидан мутлақо камайтирилмаган ҳолда берилади». Имом Муслим ривоятлари.

**Савол-64: Мусулмонлар қачон ғалаба қозонадилар?**

Жавоб-64: Мусулмонлар қачонки Парвардигорларининг Қуръони ва пайғамбарларининг суннатини ҳаётларида татбиқ этишиб, тавҳид даъватини маҳкам ушласалар ва ширкнинг барча кўринишларидан хазар қиссалар ҳамда душманларига қарши қўлларидан келганича куч-қувват тўпласаларгина душманлари устидан ғалаба қозонадилар. Даилил: Оллоҳ таоло айтади:

﴿إِنَّمَا أَنْهَا الظِّنَنَ مَأْمُنُوا إِنْ تَصْرُّوْا اللَّهَ  
يَصْرُّكُمْ وَتَبَثَّتُ أَقْدَامَكُمْ﴾ Сурәт: Мұхаммад

маъноси: «Эй мұмиллар, агар сизлар Оллоҳга ёрдам берсангизлар (яғни, Унинг йўлида жиҳод қылсангизлар), У зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни сабит-барқарор қылур». «Мұхаммад» сураси, 7-оят.

Оллоҳ таоло айтади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ الظِّنَنَ مَأْمُنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلَفُوهُمْ فِي  
الْأَرْضِ كَمَا أَسْتَخْلَفَ الظِّنَنَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينُهُمُ الَّذِي  
أَرْتَصَنَ لَهُمْ وَلَيُبَلَّلُنَّهُمْ مَنْ بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُلُونَنِي لَا يُشَرِّكُونَ بِي  
شَيْئًا﴾ Сурәт: Мұхаммад

маъноси: «Оллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга ҳудди илгари ўтган (ий-

мон-эътиқодлы) зотларни (ер юзига) халифа-хукмрон қылганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилиши ва улар учун Ўзи рози бүлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишини, ҳамда уларнинг (аҳволини Мakkада кўрган) хавфу-хатарлардан сўнг (Мадина-да) тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйшини саъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қиласлар». «Нур» сураси, 55-оят.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар:

«أَلَا إِنَّ اللَّهَ وَرَبَّ الْرَّمَادِينِ (يٰ رَبُّ الْمَسَاجِدِ) رَوَاهُ مُسْلِمٌ

маъноси: «Огоҳ бўлингки, албатта қувват камон отишдадир». Имом Муслим ривоятлари.

Камон отишдан мурод: барча кураш усулларини ўрганишdir (барча турдаги отув қуролларини ишлата билишdir).



## ОЛЛОХ ТАОЛО ИЖОБАТ ҚИЛАДИГАН ДУОЛАР

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтардилар:

ما أصَابَ عبْدًا هُمْ وَلَا حَزْنٌ فَقَالَ : «اللَّهُمَّ إِنِّي عَبْدُكَ وَابْنُ عَبْدِكَ وَابْنُ اُمَّتِكَ ، ناصِيَّتِي بِيَدِكَ ، ماضٍ فِي حُكْمِكَ ، عَذْلٌ فِي قَضَاؤكَ ، أَسْأَلُكَ بِكُلِّ اسْمٍ هُوَ لَكَ سَمِّيَّتْ بِهِ نَفْسَكَ ، أَوْ أَنْزَلْتَهُ فِي كِتَابِكَ ، أَوْ عَلَمْتَهُ أَخْدَأْ مِنْ خَلْقِكَ ، أَوْ اسْتَأْثَرْتَ بِهِ فِي عِلْمٍ الْفَيْضُ بِعِنْدِكَ أَنْ تَجْعَلَ الْقُرْآنَ رَبِيعَ قَلْبِي وَنُورَ بَصَرِي ، وَجَلَّةَ حُزْنِي وَذَهَابَ هَمِّي وَغَمِّي » إِلَّا أَذْهَبَ اللَّهُ هَمَّهُ وَحُزْنَهُ وَأَبْدَلَهُ مَكَانَهُ فَرَحَّا . صَحِيحُ رواةِ اَحْمَدَ وَابْنِ حَمْبَانَ «لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ شَجَاهَنَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ » صَحِيحُ رواةِ اَحْمَدَ وَغَيْرِهِ

*Имом Ахмад ривоятлари.*

Мусулмон одам қайси ишда бўлмасин ушбу дуони тарк килмас экан, Оллоҳ унинг дуосини ижобат килгай.

Пайғамбаримиз саллаҳоҳу алайҳи ва саллаҳамга бир ғам ёки ташвиш тушса, шундай дер эдилар:

((يَا حَسْنَ رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ يَا قَيْوْمُ بْرَ حَمَّادٍ أَسْتَغْفِرُكُمْ))  
*Имом Тірмизий ривоятлари.*



## **М У Н Д А Р И Ж А**

<b>Сўз боши</b>	<b>5-бет.</b>
<b>Ислом асослари</b>	<b>7-бет.</b>
<b>Иймон асослари</b>	<b>8-бет.</b>
<b>Оллоҳнинг бандаларидаги ҳаққи</b>	<b>10-бет.</b>
<b>Тавҳид турлари ва унинг фойдалари</b>	<b>14-бет.</b>
<b>Амалнинг қабул бўлиши шартлари</b>	<b>20-бет.</b>
<b>Катта ширк ва унинг турлари</b>	<b>22-бет.</b>
<b>Катта ширкнинг турлари</b>	<b>28-бет.</b>
<b>Кичик ширкнинг турлари</b>	<b>41-бет.</b>
<b>Оллоҳга яқинлашиш ва шафоат талаб килиш баёни</b>	<b>45-бет.</b>
<b>Жиҳод - Дўстлик - Хўқум</b>	<b>54-бет.</b>
<b>Қуръон ва Ҳадисга амал килмоқлик баёни</b>	<b>58-бет.</b>
<b>Суннат ва бидъат баёни</b>	<b>65-бет.</b>
<b>Оллоҳ таоло ижобат қиласиган дуолар</b>	<b>70-бет.</b>
<b>Мундарижа</b>	<b>72-бет.</b>